

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

МАХКАМОВ НАЖМИДДИН КОЗИМОВИЧ

**АОРТА АНЕВРИЗМАЛАРИ ВА ДИСЕКЦИЯЛАРИДА
ЭНДОВАСКУЛЯР АМАЛИЁТЛАРНИНГ ТАКТИК ВА ТЕХНИК
ЖИҲАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.34 – Юрак-қон томир хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Махкамов Нажмиддин Козимович

Аорта аневризмалари ва дисекцияларида эндоваскуляр
амалиётларнинг тактик ва техник жиҳатларини такомиллаштириш 3

Махкамов Нажмиддин Козимович

Совершенствование тактико-технических аспектов эндоваскулярных
вмешательств при аневризмах и расслоениях аорты 35

Makhkamov Najmiddin Kozimovich

Improving the tactical and technical aspects of endovascular interventions
for aortic aneurysms and dissections 65

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 72

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

МАХКАМОВ НАЖМИДДИН КОЗИМОВИЧ

**АОРТА АНЕВРИЗМАЛАРИ ВА ДИСЕКЦИЯЛАРИДА
ЭНДОВАСКУЛЯР АМАЛИЁТЛАРНИНГ ТАКТИК ВА ТЕХНИК
ЖИҲАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.34 – Юрак-қон томир хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.4.DSc/Tib776-рақами билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.rscs.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Зуфаров Миржамол Мирумарович**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Федорченко Алексей Николаевич**
тиббиёт фанлари доктори

Алимов Данияр Анварович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Алиев Шерзод Махмудович
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот: **«Миллий кардиохирургия илмий маркази»
Нотижорат акциядорлик жамияти (Қозоғистон
Республикаси)**

Диссертация ҳимояси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йули 10-ўй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Докторлик диссертацияси билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (161-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йули 10-ўй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2023 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ф.Г. Назиров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор,
академик

А.Х. Бабаджанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Р.А. Ибадов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси муовини,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, аорта аневризмалари ва дисекциялари юрак-қон томир тизимининг барқарор ривожланаётган касаллиги ҳисобланади. «Аорта аневризмаларининг тарқалиши йилига 100000 кишига тахминан 1,3, дисекцияси эса 5,9 ҳолатни ташкил қилади, бу эса жуда кенг тарқалган ҳалокатли ҳодиса ҳисобланади»¹. Бироқ, ушбу рақамлар аорта дисекцияси учраш частотасини камайтириши мумкин, чунки шифохона ҳисоботларида шифохонага ётқизилгунга қадар бўлган ўлим ҳолатлари ҳисобга олинмайди. Ўрта ёшдаги 30412 нафар эркак ва аёлларда 20 йил давомида олиб борилган кузатишларнинг проспектив таҳлили шуни кўрсатдики, 100000 нафар беморга аорта дисекцияси хавфи остидаги 15 ҳолат тўғри келган, бунда эркаклар устунлик қилган – 67,5%. 65-75 ёшдаги одамларда касаллик йилига 100000 кишига нисбатан 35 ҳолатга етиши мумкин. Бу эса “ўз навбатида клиник кўринишлар полиморфизми ва тўлиқ кўринадиган фаровонлик фонида даҳшатли асоратларнинг тўсатдан ривожланиш хавфи билан боғлиқ бўлган йиллик ўлим кўрсаткичининг юқори даражада эканлигини кўрсатади”². Маълумки, аортанинг хам кўтарилиувчи, хам тушувчи қисмлари аневризмаларининг ўлимга олиб келадиган ҳалокатли асоратлари – унинг дисекцияси ва ёрилиши ҳисобланади, бунда биринчи кунда операция ўтказилмаса беморларнинг тахминан 50 фоизи вафот этади, ушбу асоратлар юзага келгандан кейинги дастлабки 2 ҳафта ичида тирик қолиш даражаси атиги 20% ни ташкил қилади. Бир йил давомида атиги 8% беморлар тирик қолади, ҳатто шошилишч хирургик даволашга қарамай, ўлим даражаси 18-26% га етади, шу муносабат билан янги технологияларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш ҳамда тактикани оптималлаштиришни давом эттириш зарурати шубҳасиздир.

Жаҳон амалиётида ҳозирги кунда Thoracic EndoVascular Aortic Repair (TEVAR) ва EndoVascular Aortic Repair (EVAR) амалиётларининг морфологик ва функционал жиҳатларини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар долзарблигича қолмоқда, аортанинг прогрессив кенгайиши туфайли ҳаётнинг кейинги босқичларида қайта операция қилиш хавфи юқори бўлган бириктирувчи тўқима касаллиги бўлган беморларда TEVAR дан фойдаланиш бўйича чекланган сондаги йирик когорт тадқиқотлари мавжуд, янада мураккаб анатомик тузилмаларни тузатишга имкон берувчи эндопротезлашнинг фенестрланган EVAR (FEVAR), тармоқланган EVAR (BEVAR) ва параллел трансплантатлар каби мураккаб технологиялари ишлаб чиқилмоқда, эндоликларни аниқланиш частотасини ошириш учун диагностик ультрасонография (DUS), компьютер томографияли ангиография (СТА) ва магнит-резонансли томографиядан (MRI) фойдаланган ҳолда визуализацияга комбинацияланган ёндашув бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

¹Salameh MJ, Black JH 3rd, Ratchford EV. Thoracic aortic aneurysm. // Vasc Med. 2018 Dec;23(6):573-578.

²Janko M, Louis C. Thoracic EndoVascular Aortic/Aneurysm Stent-Graft Repair (TEVAR) primer. JCardSurg. 2022;37(7):2212-2216. doi: 10.1111/jocs.16510.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг замонавий жиҳатлари профилактика, диагностика, консерватив, хирургик ва эндоваскуляр даволашнинг замонавий технологияларини жорий этиш орқали юрак-қон томир касалликлари билан оғриган беморларни даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган кўплаб чора-тадбирларни ўз ичига олади. Ушбу йўналишда, хусусан, аневризма ва аорта дисекциялари ҳолатларида ташрихгача диагностика қилиш ва эндоваскуляр тактика усуллари сифатини яхшилашда ижобий натижаларга эришилган. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган етти устувор йўналиш бўйича тараққиёт стратегиясига аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича вазифалар киритилган³. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, жумладан, даволаш-диагностика тактикасини оптималлаштириш, шунингдек аорта касалликларида эндоваскуляр аралашув усулларини такомиллаштириш интервенцион кардиология, юрак-қон томир хирургияси ва тиббиётнинг энг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 октябрдаги ПҚ-5254-сон «Хирургия хизматини трансморфация қилиш, ҳудудларда жарроҳлик амалиётлари сифатини ошириш ва кўламни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 июлдаги ПҚ-5198-сон «Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.⁴ Аортанинг ургент патологияси билан касалланган беморларга

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони. Қонун ҳужжатлари тўплами.

⁴Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи Singh S, Surkhi AO, Tan SZCP et al. RELAY™ Branched-International Results of Vessel Patency and Reintervention. Front Cardiovasc Med. 2022 Jun 29;9:962884; Howard C, Sheridan J, et al. TEVAR for complicated and uncomplicated type B aortic dissection-Systematic review and meta-analysis. J Card Surg. 2021 Oct;36(10):3820-3830; Giles KA, Beck AW, et al. Implications of secondary aortic intervention after TEVAR for acute and chronic type B dissection. J Vasc Surg. 2019 May;69(5):1367-1378; Singh S, Palanca JA, et al. Criteria for endovascular intervention in type B aortic dissection. J Card Surg. 2022 Apr;37(4):987-992; Fukushima S, Ohki T, et al. Initial results of thoracic endovascular repair for uncomplicated type B aortic dissection involving the arch vessels using a semicustom-made thoracic fenestrated stent graft. J Vasc Surg. 2019 Jun;69(6):1694-1703; Jubouri M, et al. What is the optimal timing for thoracic endovascular aortic repair in uncomplicated Type B aortic dissection? J Card Surg. 2022 Apr;37(4):993-1001; Park SJ, et al. Delayed aortic regurgitation after TEVAR procedure: a case report. J Cardiothorac Surg. 2022 Dec 23;17(1):336; Harky A, et al. The Role of TEVAR of Thoracic Aortic Diseases in Patients with Connective Tissue Disorders. Braz J Cardiovasc Surg. 2020 Dec 1;35(6):977-985 ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини яхшилашга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари the European Association of Cardio-Thoracic Surgery (EACTS) and the European Society of Cardiology (ESC), the European Association of Percutaneous Cardiovascular Interventions (EAPCI), Society for Vascular Surgery (SVS) and Society of Thoracic Surgeons (STS); University Heart Center Freiburg - Bad Krozingen, Faculty of Medicine, Albert Ludwigs University Freiburg, Freiburg, Germany; Policlinico S.Orsola-Malpighi, Bologna, Italy; Dupuytren University Hospital, Limoges, France; Golden Jubilee National Hospital and University of Glasgow, Glasgow, UK; Cardioangiologic Center Bethanien, Frankfurt, Germany; Department of Cardiology, Hospital del Vall d'Hebron, VHIR, CIBER-CV, Barcelona, Spain; Heart Center Hietzing, Vienna, Austria; Department of Advanced Biomedical Sciences, University of Napoli "Federico II", Napoli, Italy; Department of Cardiac Surgery, Rzeszów, Poland; Department of Cardiac, Thoracic and Vascular Surgery, University of Tübingen, Tübingen, Germany; Cardiology Department, Humanitas Gavazzeni, Bergamo, Italy; Cardiovascular Surgery, University of Brescia, Brescia, Italy; Department of Cardiology, Royal Brompton Hospital, London, UK; Cardiac Surgery Department, European Hospital, Rome, Italy; West German Heart Center, Essen, Germany; Harvard Medical School, Boston, USA, Department of Surgery, Erasmus University Medical Center Rotterdam, Rotterdam Netherlands, Department of Preventive Medicine and Public Health, Faculty of Medicine, Fukuoka University, Japan каби кўплаб халқаро илмий кардиологик ва кардиохирургик жамиятлари ва ташкилотлари, «А.В.Вишневский номидаги Хирургия миллий тиббий тадқиқот маркази» ФДБМ (Россия), Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази (Ўзбекистон), Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон) томонидан ўтказилмоқда.

Аневризмалар ва аорта дисекцияларини эндоваскуляр даволаш самарадорлигини ошириш бўйича бутун дунё бўйлаб олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор илмий маълумотлар олинган, шу жумладан: аниқланишича, асоратсиз аорта дисекциясининг В (un-TBAD) турини даволаш учун кўкрак аортасининг эндоваскуляр протезлашдан (TEVAR) фойдаланиш мунозаралигича қолмоқда, чунки асоратли TBAD зўрайиши хавфи бўлган un-TBAD билан касалланган беморларда огоҳлантирувчи TEVAR амалиётини ўтказиш бўйича ягона фикр мавжуд эмас (Division of Cardiothoracic Surgery, Michael E. DeBakey Department of Surgery, Baylor College of Medicine, Houston, USA); В (TBAD) туридаги аорта дисекцияси чап ўмров ости артериясидан дисталроқ соҳада жойлашган аорта дисекцияси сифатида аниқланиши исботланган, бунда, аортанинг кўтарилиувчи қисми ва аорта ёйига таъсир қилмайди, ТБ TBAD АД (co-TBAD) асоратлари мавжуд бўлган беморлар TBAD (no-TBAD) асорати мавжуд бўлмаган беморларга қараганда ўлим ҳолати даражаси бир мунча юқори эканлиги билан ажралиб туради ва TEVAR ушбу клиник муаммолар учун аралашувнинг олтин стандарти ҳисобланади (Vascular and Endovascular Surgery, NHS Wales Health Education and Improvement, Cardiff, UK); TEVAR дан кейин SAI (аортадаги

иккиламчи аралашув) TBAD учун оддий ҳодиса эканлиги аниқланган, бундан ташқари ўткир TBAD эрта SAI нинг янада юқори улушига эга (Division of Thoracic and Cardiovascular Surgery, University of Florida, USA); аневризмалар ва аорта ёйи дисекциясини асосий даволаш усули хирургик аралашув эканлиги аниқланган, бироқ ўлим ва касалланишнинг юқори кўрсаткичлари ёйни қайта тиклаш учун минимал инвазив муқобил усулларни ишлаб чиқиш заруратига олиб келди, RELAY™ Branched аорта ёйининг эндоваскуляр протезлаш учун техник жиҳатдан самарали қурилма ҳисобланади ва асосий томир ўтказувчанлигини қониқарли даражада тикланишини ва такрорий аралашувлар частотасини камайишини таъминлайди (Barts and The London School of Medicine and Dentistry, Queen Mary University of London, United Kingdom); аортал клапаннинг TEVAR билан боғлиқ бўлган катетер-индуцирланган шикастланиши, ҳатто клапаннинг енгил даражада шикастланиши ва ташриҳдан 3 йил ўтгандан кейин ҳам аортал етишмовчиликка олиб келиши мумкинлиги исботланган, ўз навбатида, аортал клапан атрофида катетерли амалиётларни бажариш доимо алоҳида эътиборни талаб қилади (Department of Thoracic and Cardiovascular Surgery, Asan Medical Center, Seoul, Korea).

Дунёда ҳозирги даврда аорта касалликларида эндоваскуляр аралашувлар натижаларини яхшилаш бўйича олиб борилаётган ишлар эндоваскуляр хирургиянинг энг долзарб тадқиқотлари бўлиб қолмоқда, бу эса кўпинча турли хил клиник ҳолатларда даволаш-диагностика тактикаси масалаларида ноаниқлик ва илмий ёндашувларнинг етишмаслиги билан боғлиқдир, 3D реконструкцияси имкониятлари билан нур орқали тасвирлашнинг юқори технологияли усулларининг пайдо бўлиши эса, ушбу муаммони янги нуктаи назардан ўрганиш имконини беради. Шу аснода, аорта аневризмаларини даволаш эндоваскуляр ёндашув орқали даволаш мумкин бўлган беморлар сонини янада кенгайтирган ҳолда ривожланишда давом этмоқда. Ушбу клиник жиҳатларни кейинги тадқиқи, аортал стент-графтлар имкониятлари тўғрисидаги ҳозирги тасаввурни шубҳасиз яхшилайти ва аорта аневризмасида уларни жойлаштириш учун мақбул усулни ишлаб чиқиш имконини беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Эндоваскуляр хирургиянинг ҳозирги ривожланиш даври аортал стент-графтларни ўрнатиш ва бириктириш техникасининг янги усулларини жорий этиш самарадорлиги муаммоларига эътибор бериш билан тавсифланади. 1987 йилда кўкрак аортасининг эндоваскуляр протезлашнинг (ЭПГА/TEVAR) илк бор қайд этилган ҳолатидан кейин жадал технологик ривожланиш содир бўлди ва кўкрак аортаси касалликларида ушбу ёндашувнинг кенг қўлланилиши кузатилди. TEVAR усули ўткир торакал синдромларда ўзига хос алоҳида афзалликларга эга ва мажбурий бўлмаган ихтиёрий вазиятларда фойдаланиш учун уни жорий этиш давом этмоқда⁵. TEVAR усули - эндоваскуляр протезлаш, аневризма ва аорта дисекцияларини даволашга бўлган ёндашувни тубдан ўзгартирди, унинг

⁵Howard C, Sheridan J, Picca L, Reza S, Smith T, Ponnappalli A, Calow R, Cross O, Iddawela S, George M, Livra Dias D, Srinivasan A, Munir W, Bashir M, Idhrees M. TEVAR for complicated and uncomplicated type B aortic dissection-Systematic review and meta-analysis. J Card Surg. 2021 Oct;36(10):3820-3830. doi: 10.1111/jocs.15827.

амалдаги вариантыни таклиф этиб, шунингдек, очик жарроҳлик хавфи юқори бўлган кекса беморлар учун, травматик шикастланган ва кам учрайдиган идиопатик аорта касалликлари бўлган ёш беморлар учун даволаш усуллари арсеналини кенгайтирди. TEVAR усули технологияларидан фойдаланган ҳолда аорта аневризма ва дисекцияларини даволаш тажрибаси шуни кўрсатдики, аорта касалликларига ихтисослашган марказларда соҳалараро жамоавий ёндашув ушбу тадбирлар – операцияларни амалга ошириш учун зарурий шарт ҳисобланади⁶.

Бугунги кунга келиб, TEVAR усули кўкрак аортасининг бир қатор механик нуқсонларини интралиминал стент-графтдан фойдаланган ҳолда тиклашга минимал инвазив ёндашув усули бўлиб, одатда очик операцияга заруратсиз ёки гибрид аралашувларга кўшимча сифатида намоён бўлади. Зангламайдиган пўлат ёки никель-титандан тортиб политетрафторэтилен ёки тўқима полиэстер каби қоплама материалларига қадар қандай бўлишидан қатъий назар, стентнинг турли хил материалларидан фойдаланган ҳолда эндопротез тизимини ишлаб чиқиш ушбу тармоқни ривожлантириш учун инновацион ва муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда, бунда қизиқиш соҳасининг радиал кучи, мослашувчанлик ва бириктириш усулларида фойдаланишга урғу берилади⁷. Агар аортанинг кўкрак бўлимидаги ўткир дисекциясига нисбатан, унинг ривожланиш сабабларидан қатъий назар, шубҳасиз эндоваскуляр методика устуворлик қилса, у ҳолда бугунги кунга қадар В турдаги аортанинг асоратларсиз дисекцияларини даволаш бўйича муаммолар баҳсталаб бўлиб қолмоқда, бунда артериал босимни қаттиқ назорат қилиш остида анъанавий консерватив – эскилик руҳи билан суғорилган усулда даволаганлар. Бир қатор интервенцион жарроҳларнинг фикрига кўра, кўкрак аортасининг эндоваскуляр протезланиши узок муддатли асоратларнинг олдини олиши мумкин, бироқ қатламларга ажралган аорта жуда заиф бўлганлиги учун, ушбу процедура симптомсиз беморларнинг ушбу гуруҳида консерватив даволаш хавфидан ошиб кетиши мумкин⁸. Эрта ёки кечроқ юзага келадиган асоратларнинг (сохта ёруғлик ўтказувчанлиги, очик сохта ёруғлик билан аорта диаметри ≥ 4 см, пасайиб борувчи аортанинг проксимал қисмида сохта ёруғлик диаметри ≥ 22 мм, ички органларнинг зарарланиши ва қайталанувчи ёки рефрактер оғрик, гипертония) бир нечта прогностик омиллар таклиф қилинган бир қатор тадқиқотларга қарамай, ҳозирги пайтда далилларга асосланган 1-даражали ва аралашувнинг оптимал вақти бўйича А туркумидаги тавсияларга эришиш учун ушбу прогностик омилларга қаратилган рандомизацияланган синовларни ўтказишга

⁶Atkins MD, Lumsden AB. Parallel grafts and physician modified endografts for endovascular repair of the aortic arch. Ann Cardiothorac Surg. 2022 Jan;11(1):16-25. doi: 10.21037/acs-2021-taes-171.

⁷Bodell BD, Taylor AC, Patel PJ. Thoracic Endovascular Aortic Repair: Review of Current Devices and Treatments Options. Tech VascIntervRadiol. 2018 Sep;21(3):137-145. doi: 10.1053/j.tvir.2018.06.003.

⁸Tozzi P. Thoracic endovascular aortic repair to treat uncomplicated Stanford type B aortic dissection: The surgeon's dilemma to preventing future complications. Eur J PrevCardiol. 2018;25(1):24-31. doi: 10.1177/2047487318758100.

йўналтирилган тадқиқотлар етарли эмас⁹. Пасайиб боровчи аортанинг максимал диаметри, бирламчи киришнинг ёрилиши, ёруғликнинг ҳақиқий коллапси – юрак фаолиятининг кескин сусайиши ва қисман тромбланган сохта ёруғлик каби морфологик ўзгаришлар бошланғич асоратсиз ТБАДда кечиктирилган асоратлар хавфи ортиши билан боғлиқ эди. Келажакдаги клиник тадқиқотлар ўткир босқичда, айниқса ўлим оқибатларининг олдини олиш учун мумкин бўлган эрта жарроҳлик усулида даволаш билан боғлиқ клиник ва морфологик ўзгаришларнинг прогностик ролини тасдиқлаши керак бўлади¹⁰.

Аортада замонавий эндоваскуляр аралашувларни такомиллаштириш технологияларини қўллашда назарий жиҳатлар ва клиник тажрибага оид адабиётларни таҳлил қилиш, узоқ муддатли прогноз бўйича энг оқилона аралашувни танлаш билан боғлиқ тактик жиҳатлар шундан далолат берадики, ушбу жиҳатлар барча юрак-қон томир жарроҳлигининг устувор йўналиши ҳисобланади. Кўкрак аортасининг эндоваскуляр протезланиши (TEVAR) В (TBAD) туридаги ўткир ва сурункали аорта дисекцияси учун асосий даволаш терапияси бўлди. Аортанинг динамик морфологик ўзгаришлари, даволанмаган қатламларга ажралган аорта ва ёруғликнинг доимий барқарор сохта перфузияси TBAD сабабли TEVAR усулидан кейин такрорий аралашув учун муҳим оқибатларга олиб келади. Шунга қарамай, аортада эндоваскуляр аралашувларни техник жиҳатдан такомиллаштириш, стент-графтлар учун янги материалларни излаш ва ушбу мураккаб тоифадаги беморларни даволаш тактикасини танлаш технологиясини оптималлаштириш кейинчалик ҳам ушбу йўналишда илмий изланишларни амалга оширишга ундайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий ишлари режасига мувофиқ АСС-2021-110 лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аневризма ва аорта дисекцияси мавжуд бўлган беморларда эндоваскуляр аралашувларнинг ҳажми ва босқичларини аниқловчи тактик ва техник жиҳатларини такомиллаштириш орқали ташхислаш ва даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

TEVAR амалиётидан кейинги бевосита ва узоқ муддатли натижаларни тадқиқ қилиш;

аортадаги эндоваскуляр аралашувларда такомиллаштирилган техник жиҳатларни жорий этиш;

операциядан кейинги тизимли (БМҚАЎБ, ЎЮҚТЕ, ОМЎИ) ва ўзига хос стент-графт билан боғлиқ асоратларнинг (эндоликлар, stent graft–induced new

⁹Wilkinson DA, Patel HJ, Williams DM, Dasika NL, Deeb GM. Early open and endovascular thoracic aortic repair for complicated type B aortic dissection. Ann Thorac Surg. 2013 Jul;96(1):23-30; discussion 230. doi: 10.1016/j.athoracsur.2013.01.041.

¹⁰Reutersberg B, Trenner M, Haller B, Geisbüsch S, Reeps C, Eckstein HH. The incidence of delayed complications in acute type B aortic dissections is underestimated. J VascSurg. 2018 Aug;68(2):356-363. doi: 10.1016/j.jvs.2017.11.089.

entry tear (SINE), ретроград дисекция, эндографт модулларининг миграцияси ва ажралиши) ривожланиш хавфи нуқтаи назаридан такомиллаштирилган усул самарадорлигини аниқлаш;

TEVAR амалиётидан кейин аортанинг ремоделланиши жиҳатида ҳажмли МСКТ ангиографияси имкониятларини тадқиқ қилиш;

аортада эндоваскуляр аралашувлардан кейин актуар эгри чизикларни ўрганиш ва яшовчанлик омилларини табақалаштириш;

TEVAR амалиётидан кейинги ҳаёт сифати кўрсаткичларини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида аортанинг равоқ, кўкрак ва торакоабдоминал қисмларининг келиб чиқиши турлича бўлган аневризмаси мавжуд бўлган 86 нафар беморлар олинган. Уларнинг 44 нафарида 2018 йилдан 2022 йилгача бўлган даврда “Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази” ДМ ва “Бошқирдистон Республикаси Республика кардиология маркази”нинг (Уфа, Россия) эндоваскуляр жарроҳлик бўлимларида эндоваскуляр протезлаш усуллари бажарилган (асосий гуруҳ). Такқослаш гуруҳини Республика шошинч тиббий ёрдам илмий марказида даволанган 42 нафар бемор ташкил қилган.

Тадқиқотнинг предмети яқин ва узоқ даврларда яшовчанлик омилларини табақалаштириш ҳамда ҳаёт сифатини баҳолаш орқали аорта дисекцияси ва аневризмаларини эндоваскуляр, хирургик (гибрид) ва консерватив даволаш самарадорлигини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун умумий клиник, лаборатор (қоннинг умумий ва биокимёвий таҳлили), инструментал (ЭКГ, ЭхоКГ, МСКТ, ангиография), махсус («SF-36 Health Status Survey» шкаласи бўйича ҳаёт сифатини ва Каплан Мейер бўйича яшовчанликнинг актуар эгри чизикларини таҳлил қилиш) ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

фенестрацияланган стент-графт ўрнатиш аниқлигини оширишга ва аорта тузилишининг турли анатомик вариантларида фенестрациянинг унинг ёйи шохлари чиқиш соҳасига мос келишига эришишга имкон берувчи кўкрак аортасини эндоваскуляр протезлаш усули такомиллаштирилган;

Thoracic Endovascular Aortic Repair (TEVAR) амалиётидан кейинги яқин ва узоқ муддатли даврда стент-графт билан боғлиқ асоратларни (эндоликлар, стент-графт индуцирланган янги дистал алоқа йўли, ретроград дисекция) ташхислашда ҳажмли МСКТ ангиографиянинг имкониятлари аниқланган;

TEVAR амалиётидан кейин узоқ муддатли башоратни ҳамда ушбу аралашув натижаларини объектив баҳолаш мақсадида аортанинг ремоделланиш жараёнларини ва стент-графт “тақдирини” (эндографт модуллари миграцияси ва ажралиши) верификация қилиш учун 3D реконструкция режимидаги 640 кесимли МСКТ нинг диагностик аҳамияти аниқланган;

TEVAR амалиётидан кейин аорта ремоделланишининг патогномоник белгилари аниқлаштирилган ва батафсил баён қилинган ҳамда уларнинг бир

йил давомида стент-графтнинг беқарорлигини бартараф этишга таъсири баҳоланган;

тиббий ёрдамни ташкил этиш сифатини баҳолаш ҳамда беморлар ахволининг оғирлигига қараб тақсимлаш тизимининг функционал мослашуви, жалб этилган мутахассислар фаолиятини мувофиқлаштирган ва уйғунлаштирган ҳолда соҳалараро ёндашув каби мезонларни фарқлашни ҳисобга олиш нуқтаи назаридан TEVAR амалиёти натижаларига таъсир килувчи хавф омиллар аниқлаштирилган;

TEVAR амалиётидан кейин яшовчанлик башорат омилларини стратификациялаш ва ҳаёт сифатини баҳолашга асосланган яшаб қолганларнинг кумулятив улуши ва такрорий аралашувлардан эркинлик кўрсаткичи аниқланган;

TEVAR амалиётини амалга ошириш учун кадрлар потенциалини шакллантириш ва ихтисослашган мутахассисларни тайёрлаш учун услубий ёндашувларни стандартлаштиришнинг асосий мезонлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

аортанинг аневризматик кенгайиши ва дисекцияси билан боғлиқ ҳалокатли асоратларда нафақат беморларни оғир вазиятдан қутқаришга, балки узоқ муддатли прогноз бўйича даволашнинг самарали усули эканлигини исботлашга имкон берган юқори технологияли эндоваскуляр аралашувлар, хусусан, TEVAR амалиёти жорий этилган;

аорта аневризмаси ва дисекциялари ҳамда унинг асоратли кечишини даволашнинг консерватив ва хирургик усулларида аортадаги эндоваскуляр аралашувларнинг қиёсий жиҳатдан самарадорлиги аниқланган;

стент-графтни фенестрациялаш ва уни рентген контрастли инновацион белгилаш билан кўкрак аортасини эндоваскуляр протезлашнинг тавсия этилган усули каминвазив аралашув сифати ва натижаларини яхшилаш имконини бериши исботланган;

TEVAR амалиётини муваффақиятли амалга оширишнинг зарурий шартларидан бири аорта касалликларига ихтисослашган марказларда соҳалараро жамоавий ёндашув ҳисобланиши аниқланган;

ушбу даволаш амалиётини интервенцион кардиологлар, кардиохирурглар, рентгенологлар ҳамда ангиохирурглар билан биргаликда коллегиял амалга оширишда кўрсатмалар ва чекловларни тизимли равишда кўриб чиқиш мақсадга мувофиқлиги исботланган;

аорта патологияси бўлган беморлар учун диагностик ва терапевтик имкониятларнинг тўлиқ спектрини тақдим этадиган ихтисослашган аорта марказларини яратиш тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Натижаларнинг ишончлилиги беморлар ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонлари, лаборатор ва инструментал диагностиканинг замонавий усулларида фойдаланилганлиги, услубий ёндашувлар ҳамда статистик таҳлил жамланмаларининг тўғри қўлланилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулосалар

назарий аҳамиятга эга бўлиб, аорта ремоделланишининг патогномоник белгиларининг, TEVAR амалиётидан кейин яшаб қолганларнинг кумулятив улуши ва такрорий аралашувлардан эркинлик кўрсаткичини аниқлаш билан кўкрак аортасининг эндоваскуляр протезлашдан кейинги тизимли ва ўзига хос асоратларнинг аниқлаштирилганлиги ва батафсил баён қилинганлиги хисобига ушбу аралашувнинг консерватив ва хирургик даволашга нисбатан сезиларли даражада устунлигини баҳолашга ҳамда узоқ муддатли прогнозда даволашнинг самарали усули сифатида тавсия этишга имкон берганлиги туфайли аортанинг эндоваскуляр протезлаш асоратларининг структураси ва клиник хусусиятлари ҳақидаги мавжуд тушунчаларни кенгайтиришга муҳим ҳисса қўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар асосида аорта касалликларида асоратлар билан боғлиқ эндоваскуляр аралашувларнинг тактик ва техник жиҳатлари оптималлаштирилганлиги, тиббиётнинг янги йўналиши – TEVAR амалиёти ҳақидаги билимларни кенгайтирилганлиги, услубий ёндашувларни стандартлаштиришнинг таклиф этилаётган мезонлари кадрлар потенциалини шакллантириш ва эндоваскуляр аралашувларни амалга ошириш учун ихтисослашган мутахассисларни тайёрлашга ёрдам берганлиги, бу эса ўтқир аорта дисекцияси билан боғлиқ кескин вазиятларда беморларни қутқариш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. «Академик В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази» эксперт кенгашининг 2023 йил 7 июндаги 2х/5 сон хулосасига кўра («Академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ» ДМ томонидан илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига 07.06.2023й., №480 сонли хат юборилган):

аортанинг кўкрак бўлинмасини эндоваскуляр протезлаш учун “стент-графтда шифокор томонидан ўзгартирилган фенестрация”ни қўллаш усули такомиллаштирилиб, ушбу фойдали модель стент-графтнинг фенестрацияланган қисмини ўрнатишнинг аниқлигини ошириш ва шу билан биргаликда аорта ёйлари шохларининг атипик чиқишларида фенестрацияни тўғри жойлаштириш имконини беради (Фойдали модел FAP № 02112 31.10.2022 йил). Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган илмий-амалий маълумотлар “Академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ” ДМ маркази бўйича буйруғи (1.06.2023 й.; № 478) билан марказ ва унинг филиаллари клиник амалиётга жорий этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: аорта аневризмаси ва диссекцияси бўлган беморларни эндоваскуляр даволашнинг тактик ва техник жиҳатларини рентген контрастли йўналтирувчи белгилардан фойдаланган ҳолда такомиллаштириш, эндоваскуляр жарроҳликдан кейинги эрта асоратлар сонини 27,3% дан 0% гача камайтириш имконини берди; 6 ой давомида I ва III турдаги “endoleak” дан озодликнинг кумулятив қисмини 70% дан 100% ошириди (Kaplan-Meier); 10 нафар беморларни 1 йиллик кузатувдан сўнг кумулятив омон қолиш даражасини (Kaplan-Meier) 80% дан 100% гача

оширди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: эндоваскуляр протезлаш усули такомиллаштирилиши ҳисобига (FAP № 02112 31.10.2022) 1 нафар бемор учун 14.888.050 сўм иқтисод қилинди, яъни беморларни даволаш харажатларини 46,3% га камайтирилди. Ушбу такомиллаштирилган усулни қўланлмаган ҳолда қўшимча жарроҳлик амалиёти бажарилишига олиб келди, яъни уйқу қон-томирини чап ўмров ости артериясига шунтлаш амалиёти бажарилади ва унинг умумий қиймати 21.980.372 сўмни ташкил этади. Хулоса: янги такомиллаштирилган эндоваскуляр амалиётнинг жорий қилиниши бир йилда бюджет маблағларини 56.738.576 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 14.184.644 сўмга иқтисод қилиш имконини берди. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: “Аорта аневризмалари ва диссекцияларида эндоваскуляр амалиётларнинг тактик ва техник жihatларини такомиллаштириш” мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги “Академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ” ДМ директори томонидан 1.06.2023 йилдаги № 480-сонли хат билан юборилган;

640 кесимли МСКТнинг 3D реконструкция режимида, аортанинг анатомик хусусиятлари ва патологик ўзгаришлари намоён бўлади, бу эса жарроҳлик амалиёти натижаларини прогнозлаш ва даволаш имконини яхшилайти. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган илмий-амалий маълумотлар “Академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ” ДМ маркази бўйича буйруқ (1.06.2023 й.; № 478) билан марказ ва унинг филиаллари клиник амалиётга жорий этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: жарроҳлик амалиёти жараёнида юзага келиши мумкин бўлган юқори асорат, яъни аорта ёйидан чиқаётган қон-томирларини беркилиб қолиш бўлган эхтимолни олдиндан кўра билиш; ушбу касаллика чалинган беморларнинг ҳаёт тарзига қисқа мудатда қайтариш; беморларда ташхислаш муддатларини қисқартириш. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: 1 нафар бемор учун TEVAR усулидан кейин узок муддатли прогноз ва ушбу аралашув натижаларини объектив баҳолаш мақсадида аорта ва стент-графт “тақдирини”ни қайтадан моделлаштириш жараёнларини верификация қилиш учун 1.097.600 сўмни ташкил этади. Бунда бошқа турдаги текширув усуллари (трансторакал эхокардиография; трансэзофагеал эхокардиография) ва МСКТнинг ҳажмли текширувлари билан биргаликда қилингандаги харажатлар 1.440.700 сўмни ташкил этади. Яъни илмий текширувдаги 22 та беморларга фақатгина 640 кесимли МСКТнинг 3D реконструкция режимидаги текширув амалиётини бажарилиши етрали маълумот бериб, бир бемор учун 343.100 сўм иқтисод қилинишига олиб келди: ((ҳажмли МСКТнинг бошқа текширувлари билан қилингандаги харажатлар) 1.440.700 сўм – (640 кесимли МСКТнинг 3D реконструкция режимидаги текширув харажати) 1.097.600 сўм = 343.100 сўм. Хулоса: фақатгина 640 кесимли МСКТнинг 3D реконструкция режимидаги текширув амалиётини бажарилиши бир йилда бюджет маблағларини 4.803.400 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 2.744.800 сўмга иқтисод қилиш имконини берди. Илмий янгиликдан кенгайтирилган

ҳолда фойдаланиши: “Аорта аневризмалари ва диссексияларида эндоваскуляр амалиётларнинг тактик ва техник жихатларини такомиллаштириш” мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига “Академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ” ДМ директори томонидан 1.06.2023 йилдаги № 480-сонли хат билан юборилган;

эндоваскуляр амалиётан олдин, ҳажмли МСКТ ангиографияни олдиндан тўғри ўрганиб билиш ва TEVAR амалиётини қадамма қадам бажарилиши, юзага келиши мумкин бўлган асоратлар хавфини олдини олади. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган илмий-амалий маълумотлар “Академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ” ДМ маркази бўйича буйруқ (1.06.2023 й.; № 478) билан марказ ва унинг филиаллари клиник амалиётга жорий этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: аортада эндоваскуляр аралашувларнинг аневризма ва аорта диссекциялари ва унинг асоратли кечишини даволашнинг консерватив ва жарроҳлик усулларида қиёсий жихатдан самарадорлиги аниқланди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: 1 нафар бемор учун ҳажмли МСКТ диагностика текширувини тўғри ўтказишлиши (Total aorta) қуйидагича иқтисод бўлишга олиб келди – 1.097.600 сўмга тенг, ушбу диагностик амалиётни тўғри бажарилмаган ҳолда ўтказилса, қайта бажарилиш хисобига – 1.996.300 сўмни такшил этади (иқтисодий самарадорлик 1 бемор учун 898.700 сўмни ташкил қилди). Хулоса: ҳажмли МСКТ диагностика амалиётини стандартларга асосланиб ўтказилиши бир йилда бюджет маблағларини 12.581.800 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 7.189.600 сўмга иқтисод қилиш имконини берди. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: “Аорта аневризмалари ва диссексияларида эндоваскуляр амалиётларнинг тактик ва техник жихатларини такомиллаштириш” мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги “Академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ” ДМ директори томонидан 1.06.2023 йилдаги № 480-сонли хат билан юборилган;

TEVAR усулини муваффақиятли амалга оширишнинг зарурий шартларидан бири аорта касалликларига ихтисослашган марказларда фанлараро жамоавий ёндашув ҳисобланиши аниқланди. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган илмий-амалий маълумотлар “Академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ” ДМ маркази бўйича буйруқ (1.06.2023 й.; № 478) билан марказ ва унинг филиаллари клиник амалиётга жорий этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: TEVAR амалиётларининг жамоавий ёндашув асосида бажарилганлиги сабабли юзага келиши мумкин бўлган асоратлар (бош миёда қон айланишининг ўткир бузилиши ва endoleak) олди олинди; беморлар реабилитация вақти қисқарди; ҳаёт фаолияти ўзгарди; меҳнат фаолияти тикланди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: TEVAR амалиётининг 1 нафар беморга ўртача давомийлиги

130±3,7 дақиқани ташкил қилади, қон йўқотилиши - 284,4±9,4 мл, контраст модданинг ўртача сарфланган миқдори 197,5±4,5 мл ни ташкил этган. Барча эндоваскуляр жарроҳликларнинг техник ютуғи 97,6% ташкил этган. SF-TEVAR техникасини муваффақиятли амалга оширилмаган тарзда бошқа эндоваскуляр техникаларни (parallel grafts; in-situ fenestration) қўлланилишига мажбур қилади ва юқоридаги кўрсаткичларга кўра ўртача харажатлар 1 нафар бемор учун 105.415.300 сўмни ташкил этади, яъни ушбу такомиллаштирилган SF-TEVAR техникасини амалиётга тадбиқ қилиниши натижасида жами харажатлар 71.415.300 сўмни ташкил этади. Хулоса: такомиллаштирилган SF-TEVAR усулини муваффақиятли амалга ошириш ҳисобига бюджет маблағларини 136.000.000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 68.000.000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: “Аорта аневризмалари ва диссекцияларида эндоваскуляр амалиётларнинг тактик ва техник жихатларини такомиллаштириш” мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги “Академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ” ДМ директори томонидан 1.06.2023 йилдаги № 480-сонли хат билан юборилган;

TEVAR амалиётини жамоавий, шу жумладан интервенцион кардиологлар, кардиожарроҳлар, рентгенологлар ва қон-томир жарроҳлари билан биргаликда амалга оширишда кўрсатмалар ва чекловларни тизимли равишда кўриб чиқиш, жарроҳлик амалиётини ва натижаларини яхшилайтиди. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган илмий-амалий маълумотлар “Академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ” ДМ маркази бўйича буйруқ (1.06.2023 й.; № 478) билан марказ ва унинг филиаллари клиник амалиётга жорий этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: TEVAR амалиётларининг жамоавий ёндашуви асосида бажарилганлиги сабабли юзага келиши мумкин бўлган асоратлар (бош мияда қон айланишининг ўткир бузилиши ва endoleak) олди олинди; беморлар реабилитация вақти қисқарди; ҳаёт фаолияти ўзгарди; меҳнат фаолияти тикланди. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: 1 нафар беморнинг шифохонадаги даври учун иқтисодий курсаткич: беморнинг шифохонада қолиш муддатини 12 кундан 8,5 кунга (3,5 кунга) қисқарттириб, шифохонада қолиш тўлов миқдорини 1.087.800 сўмга камайттирди (Академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМнинг преёскурантига кўра шифохонада 1 кун қолиш 310.800 сўмни ташкил қилади). Хулоса: 1 нафар беморнинг шифохонада қолиш муддатини 3,5 кунга қисқаришига олиб келиши ҳисобига бир йилда ўртача бюджет маблағларини 2.486.400 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 621.600 сўмга иқтисод қилиш имконини берди. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: “Аорта аневризмалари ва диссекцияларида эндоваскуляр амалиётларнинг тактик ва техник жихатларини такомиллаштириш” мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги “Академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ” ДМ директори томонидан 1.06.2023 йилдаги № 480-сонли хат билан юборилган;

Аорта аневризмаси ва диссексияларида ҳажмли МСКТ ангиография алгоритмига кўра диагностикани такомиллаштирилиб, аортанинг анатомик ва топографик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда яқин ва узоқ даврдаги муддат давомида стент-графт билан боғлиқ бўлган асоратларни камайтиради ва амалиёт жарёнини такомиллаштиради. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Олинган илмий-амалий маълумотлар “Академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ” ДМ маркази бўйича буйруқ (1.06.2023 й.; № 478) билан марказ ва унинг филиаллари клиник амалиётга жорий этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги куйидагилардан иборат: яқин ва узоқ давр давомида юзага келиши мумкин бўлган асорат ва хатолар сонини кескин камайтириш; асаорталрнинг частотасини камайтириш орқали беморлар эндоваскуляр жарроҳликдан кейинги ребилитация вақти тез амалга ошади ва фаол ижтимоий ва меҳнат фаолиятига қайтадилар; ушбу касаллика чалинган беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: Аорта аневризмаси ва диссексияларида 1 нафар бемор учун ҳажмли МСКТ ангиография алгоритмига кўра диагностикани 1мм кесимда бажарилса 898.700 сўмни ташкил этади, ва ушбу ҳолдаги беморлар учун қилинган текширув ва текширувдан кейинги давр қисқаришидан умумий харажатлар 40,5% га камайди. Хулоса: Аорта аневризмаси ва диссексиялари билан касалланган беморларда ҳажмли МСКТ ангиографик текширувини тўғри татқиб этиш натижасида бир йилда бюджет маблағларини 7.189.600 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 2.696.100 сўмга иқтисод қилиш имконини берди. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: Аорта аневризмаси ва диссексияларида ҳажмли МСКТ ангиография алгоритмига кўра диагностикани такомиллаштирилиш усуллари бўйича илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига “Академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМ” ДМ директори томонидан 1.06.2023 йилдаги № 480-сонли хат билан юборилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 5 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 11 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, етита боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 186 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш қисмида** тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилган, объектлар ва предметлар тавсифланади, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига

мувофиқлиги кўрсатиб ўтилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари тақдим этилади, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этилганлиги очиқ берилади, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумот берилади.

